

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ КЕНГАШ
АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САБИТОВ ТИМУР ЮРЪЕВИЧ

**ПИСКОМ ДАРЁСИ ҲАВЗАСИ АТРОФ-МУҲИТИГА ИҚЛИМИЙ
ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по географическим наукам**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)
in geographical sciences**

Сабитов Тимур Юрьевич

Писком дарёси ҳавзаси атроф-муҳитига иқлимий омилларнинг таъсирини
моделлаштириш.....5

Сабитов Тимур Юрьевич

Моделирование воздействия климатических факторов на состояние
окружающей среды бассейна реки Пскем.....21

Sabitov Timur Yurevich

Modeling the impact of climatic factors on the environment of the Pskem
river basin39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ КЕНГАШ
АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САБИТОВ ТИМУР ЮРЪЕВИЧ

**ПИСКОМ ДАРЁСИ ҲАВЗАСИ АТРОФ-МУҲИТИГА ИҚЛИМИЙ
ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Gr163 рақам билан руйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.nauka.nuu.uz) ҳамда «Ziyo.net» (www.ziyounet.uz) Ахборот-таълим порталига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Петров Максим Анатольевич

геология-минералогия фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий тақризчилар:

Аденбаев Бахтияр Ембергенович

география фанлари доктори, доцент

Назаров Абдугаффор Абдужаббарович

география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот

ЎЗР ФА Сейсмология институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Университет кўч., 4. Тел.:(+99871) 227-12-24; факс: (+99871)246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru, Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Университет куч., 4 уй., Тел. (+99871) 246-67-71, Ўзбекистон Миллий университети.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Х.Хикматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, г.ф.н., доцент

З.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар
раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқлимнинг глобал миқёсда ўзгариши инсоният учун турли экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурида белгиланган 13-мақсади «Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари билан курашиш бўйича тезкор чоралар қабул қилиш»¹ вазифаларини ечишга қаратилган. Мазкур вазифалар иқлим ўзгаришига инсон хўжалик фаолиятининг турли соҳаларида мослашиш чораларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, айниқса, ҳозирги авлод эҳтиёжларини қондириш ва келажак авлод манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, экологик тоза барқарор ривожланишни таъминлаш, табиатдаги ўзгаришларга мослашиш, чучук сув манбаларининг камайиши ва ифлосланишини олдини олиш чораларини ишлаб чиқишга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, арид ўлкаларда иқлим исиши оқибатида тоғ музликлари майдонининг қисқариши, чучук сув захираларининг камайиши, хавfli табиий географик жараёнлар сони кўпайишининг олдини олиш, тоғ ва тоғолди атроф-муҳитининг ўзгаришига мослашишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, табиий офатлар хавфини камайтириш, музлик захираларидан тоза чучук сувнинг энг муҳим манбаи ва узоқ муддатли захираси сифатида оқилона фойдаланишга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси»да «атроф-муҳитни муҳофаза қилишни илмий жиҳатдан таъминлаш» ва «комплекс экологик мониторингни олиб бориш...»² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, Республикамизда муҳим рекреацион-туристик объектлар жойлашган Писком дарёси ҳавзасида иқлим ўзгаришининг музликлар майдонига ва атроф-муҳит ҳолатига таъсирини ҳамда хавfli табиий географик жараёнларнинг рўй беришини ГАТ технологиялари ёрдамида мониторинг қилиш ва моделлаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

¹Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/climate-change/>

² Постановление Президента республики Узбекистан «Об утверждении стратегии по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019 — 2030 годов». от 4 октября 2019 года № ПП-4477.

Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 343-сон «Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси», VIII. «Ер ҳақидаги фанлар» устувор йўналишларига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фарбий Тяншаннинг баланд тоғли ҳудудларида иқлимий омилларнинг табиий муҳитга, хусусан, дарёларнинг ландшафт ва сув таркибидаги ўзгаришларига таъсири МДХ мамлакатлари олимлари, жумладан И.В. Мушкетов, С.В. Калесник, Н.Л. Корженевский, Л.Н. Бабушкин, Н.А. Когай, К.К. Марков, Б.К. Баков, А.П. Мельникова, В.Л. Шульц ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотларда кўриб чиқилган. Улар тадқиқотларини геология, геоморфология, гидрология, ландшафтшунослик ва гляциология фанлари соҳаларида олиб боришган. Ушбу тадқиқотлар натижалари эса мазкур фанларнинг шаклланиши ва ривожланишига асос бўлиб хизмат қилган.

Ўтган XX асрнинг биринчи яримида «Музликлар, уларнинг Ер ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти» (1935) ва «СССРнинг тоғ музликлари ҳудудлари» (1937) монографиялари чоп этилди. С.В. Калесник «Умумий гляциология», Н.Л. Корженевский «Ўрта Осиё музликлари каталоги», В.Л. Шульц «Ўрта Осиё дарёлари», Л.Н. Бабушкин ва Н.А. Когай «Ўрта Осиёни табиий географик районлаштириш», Л.Н. Бабушкин «Ўрта Осиё иқлими» каби бир қанча монография ва китобларни нашр эттирди.

Ҳозирги вақтда иқлим ўзгариши бўйича ва музликлар майдони ўзгариши, сув манбаларининг аҳамияти ва Ўзбекистондаги дарёларнинг гидрологик режими бўйича тадқиқотлар олиб борган олимлардан М.И. Геткер, В.Е. Чуб, А.С. Щетинников, Г.Е. Глазырин, Н.А. Агальцева, Н.С. Бассин, А.А. Ни, М.А. Петров, М.В. Волкова, И.Г. Томашевская, А.А. Тихановская, И.В. Дергачева, Ф.Х. Хикматов, Х.А. Тойчиев, А.А. Крейтер, Э.Р. Семакова ва бошқаларнинг ишлари бағишланган.

Шунингдек, Ўрта Осиё ҳудудида иқлим хусусиятларининг ўзгариши ва уларнинг атроф-муҳитга таъсирини ўрганишга яқин ва узоқ хориж олимларидан В.М. Котляков, И.В. Северский, В.Г. Коновалов, В.И. Шатравин, V. Aizen, T. Bolch, T. Saks, M. Stoffel, O. Tutubalina, C. Harris, Ch. Huggel, A. Kääh, A. Naeberli, B. Krummenacher, O. Corrupt, O. Tweed, M. Zimmerman кабилар катта ҳисса қўшганлар.

Ушбу диссертацияда музлик майдонларининг қисқариши, кўллар ва дарёлар билан боғлиқ бўлган хавфли табиий жараёнларнинг тарқалиши, сув ҳавзаси ва унга туташ ҳудудлар ўзгаришлари ўрганилди. Шу мақсадда математик моделлаштириш усуллари, статистик таҳлил, масофадан зондлаш

ва ГАТ технологиялари қўлланилди. Мазкур тадқиқот иши шу жиҳати билан юқоридаги тилга олинган ишлардан фарқ қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университети ва Геология ва геофизика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №В-Ind-2021-79 «Ўзбекистоннинг тоғ тизмаларида музликларнинг деградацияси динамикасини масофадан зондлаш асосида ўрганиш» (2020-2022), №ФЗ-2020092567 «Тоғ-кончилик саноати ҳудудлари тупроқларидаги оғир металлар: такрқалиши, учраш шакллари, тупроқ микроорганизмларига таъсири, тупроқ ифлосланишининг биоиндикацияси ва биоремедиацияси жиҳатлари» (2021-2023), №ФА-А7-Т116 «Ўзбекистоннинг ўртача баланд тоғли ҳудудларида музлик сув тошқини хавфи билан боғлиқ ер ресурсларининг ўзгаришини баҳолаш» (2013-2015) амалий ва фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Писком дарёси ҳавзаси иқлимий кўрсаткичлари (ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинлари) динамикасини таҳлил қилиш ва уларнинг дарё ҳавзаси атроф-муҳитига таъсирини моделлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Писком дарёси ҳавзасида иқлим шароитининг ўзгаришини ўрганиш, ҳавзанинг атроф-муҳити ҳолатига иқлимий омилларнинг таъсир даражасини баландлик зоналари бўйича баҳолаш;

гидрологик шароитдаги ўзгаришларни тадқиқ этиш, Барқроқ музлиги юзасида, эриган қор сувлари оқимини моделлаштириш ва баҳолаш;

Писком дарёси ҳавзаси музликлари ва музлик олди зонасининг ҳозирги ҳолатига ҳарорат ва ёғинлардаги ўзгаришларининг таъсир даражасини аниқлаш;

Писком дарёси ҳавзасида жойлашган тоғ ва тоғолди кўллари тўғони ўпирилиши хавфи эҳтимолини баҳолаш;

иқлимий катталиқ (ҳарорат ва ёғинлар) ўзгаришининг ўсимликларнинг ривожланишига баландлик зоналари бўйича кўрсатадиган таъсирини баҳолаш, Писком дарёси ҳавзасида ўсимликлар зичлиги ва лалми деҳқончилик учун мавжуд майдонларнинг баландлик бўйича ўзгариши карталарини тузиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Писком дарёси ҳавзаси қопланган юзаси ва атроф-муҳитнинг ташкил этувчилари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Писком дарёси иқлимий омилларининг баландлик бўйича ўзгариши хусусиятлари ва уларнинг музликларга, баланд тоғ кўллариининг шаклланиши ва тўғони ўпирилиши хавфи, музликколди зонаси атроф-муҳити ўзгаришига таъсирини баҳолаш ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида дала тадқиқот усули, инструментал кузатишлар ва ўлчовлар, картографик усул, географик экстраполяция, графоаналитик усул, шунингдек, гидрометеорологик

ҳисоблаш усуллари, статистик ва математик моделлаштириш усуллари, ГАТ технологиялари, фазовий таҳлил ва сунъий йўлдош тасвирларини қайта ишлаш усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иқлим кўрсаткичларининг музликлар майдонига, музлик қўллари ва музликколди зона ландшафтларининг шаклланиши, шунингдек хавфли табиий географик жараёнларнинг вужудга келишига таъсири даражаси аниқланган;

Барқроқ музлигидаги автоматик метеорологик станциядан олинган ёгингарчилик қийматлари, энергия баланси моделини қўллаб, Ойгаинг метеорологик станцияси маълумотлари асосида қайта тикланган, Барқроқ музлигидан эриган қор сувлари оқими баҳоланган;

Писком ҳавзасининг баланд тоғли ҳудудида жойлашган қўлларни масофадан зондлаш ва ГАТ технологиялари асосида сел хавфи эҳтимолийлиги моделлаштирилган ва эҳтимолий хавфлилик кўрсаткичлари картаси яратилган;

музликколди зона ландшафтларидаги ўзгаришларни масофадан зондлаш ва ГАТ ёрдамида баҳолаш усули ишлаб чиқилган ҳамда Писком ҳавзасидаги ўсимликлар қоплами зичлигини динамикаси охириги 30 йиллик давр учун аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳавза ҳудуди баландлик бўйича географик тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда, унинг хусусиятларини намоён бўлишини аниқлаш мақсадида ҳавзада жойлашган метеорологик станциялар учун маълумотлари янгиланган;

Писком дарёси ҳавзаси ҳарорати ва ёгин ўзгариши музлик майдонига, шунингдек, атроф-муҳит ҳолатига таъсири миқдорий баҳоланган;

иқлим ўзгариши ва музликколди зонасидаги ўзгаришларни баҳолаш усули масофадан зондлаш ва ГАТ ёрдамида ишлаб чиқилган ва атроф-муҳитдаги ўзгаришлар динамикаси аниқланган;

баландлик, экспозиция ва нишабликни ҳисобга олган ҳолда, ўсимликларнинг зичлиги ва лалми ерлар тарқалишининг ўзгариши ҳамда Писком дарёси ҳавзасидаги қўлларнинг жойлашуви карталари яратилган, уларнинг тўғон ўпирилиши ва сел хосил қилиш хавфи баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги масофадан зондлаш ёрдамида олинган маълумотларни дала тадқиқотлари билан таққослаш усули, шунингдек, математик статистика усули билан ЎзР ФА Геология ва геофизика институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказидан олинган маълумотлар ёрдамида статистик аҳамиятини баҳолаш йўли билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот жараёнида иқлим ўзгариши ҳамда иқлимий омилларнинг баландлик ортиб бориши оқибатида атроф-муҳитга

бўладиган таъсирини баҳолаш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қор ва муз эриши натижасида ҳосил бўлган сув оқими ҳажми ва сув сарфининг аниқлангани, аҳолига сел хавфи бўлган ҳудудларни аниқлаш ва селлардан ҳимоя қилиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқилгани, ўсимликлар зичлиги камайган ҳудудлар аниқлангани ва карталаштирилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Писком дарёси ҳавзаси атроф-муҳитига иқлимий омилларнинг таъсирини моделлаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

Писком дарёси ҳавзасида сувнинг тақсимланишига иқлимий омилларнинг таъсир даражасини аниқлаш натижалари Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази амалиётида Писком дарёсининг сув сарфини прогнозлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2021 йил 16 июль 01-15/796-сон маълумотномаси). Натижада, Писком дарёси йиллик сув оқими ҳажмини прогнозлаш натижалари сифатини ошириш имконияти яратилган;

Писком дарёси ҳавзасидаги Ойгаинг метеорологик станцияси ва дала тадқиқотлари давомида Барқроқ музлигида ўлчанган ёғинларнинг корреляцион боғланиши асосида ишлаб чиқилган Барқроқ музлигидан қор эришининг модели Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази амалиётида қор эришидан ҳосил бўладиган оқим миқдорини ҳисоблашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2021 йил 16 июль 01-15/796-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур модель Писком ҳавзасидаги қорнинг баҳор ойларида эришидан ҳосил бўладиган оқим миқдорини аниқлаш имконини берган;

Писком дарёси тоғли ҳудудида жойлашган кўлларни масофадан туриб зондлаш ва ГАТ технологиялари асосида яратилган модели, шунингдек ушбу кўлларнинг бир-бирига нисбатан жойлашуви ва ҳавф яратиш эҳтимоли акс эттирилган картадан Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази амалиётида Писком дарёсидаги кўлларнинг мониторингини олиб боришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2021 йил 16 июль 01-15/796-сон маълумотномаси). Натижада, Писком дарёси ҳавзасидаги тўғони ўпирилиши ҳавфи эҳтимоли юқори бўлган ва шу туфайли алоҳида мониторинг зарур бўлган кўлларни аниқлаш имкониятини берган;

иқлим ўзгариши ва музликлар майдонининг қисқариши сабабли музликколди зоналаридаги ўзгаришларни ГАТ технологиялари ва масофадан зондлаш орқали баҳолаш усули Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази амалиётида Писком дарёси ҳавзасида XX асрнинг охиридан ҳозирги кунгача ўсимликлар зичлигида ўзгариш содир бўлган ҳудудларни аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказинининг 2021 йил 16 июль 01-15/796-сон маълумотномаси). Натижада, бундай ёндошув Писком дарёси оқимининг йил

давомида тақсимланишини белгилайдиган омиллардан бири бўлган ўсимлик копламининг зичлиги камайиб бораётган ҳудудларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий ишлар чоп этилган. Улардан 8 та илмий мақолалар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган журналларда, шу жумладан 5 таси республикада, 3 таси хорижий журналларда нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва заруриятини асослайди, мақсад ва вазифаларни, тадқиқотнинг объекти ва предметини аниқлайди, диссертация мавзусининг фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинади, чоп этилган мақолалар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумот берилган.

Диссертациянинг **биринчи боби «Писком дарёси ҳавзасининг асосий хусусиятлари ва табиий географик омиллари»** деб номланган. Бу бобда Писком дарёси ҳавзаси (1-расм) муҳитининг ҳолатини белгилайдиган табиий омиллари ўрганилган, бобнинг ичида географик адабиётларда қабул қилинган тартибга кўра, географик жойлашуви ва геологик-геоморфологик тузилиши, ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Тадқиқот объектининг иқлими ва сув ресурсларининг ҳолати ёритилган.


Писком дарёси ҳавзасининг экологик таркибий қисмларининг ҳолати, музликларнинг ва музликколди кўлларининг жойлашуви, иқлим ўзгаришининг музликлар ҳудудига таъсири, музлик кўллари ва музлик олди зонанинг ландшафтлари шаклланиши, хавфли географик жараёнлар ҳақида илмий маълумотлар Н.Л. Корженевский, С.В. Калесник, В.Л. Шульц, М.М. Геткер, А.С. Щетинников, Г.Е. Глазырин, А.А. Ни, М.А. Петров, И.Г. Томашевская, А.А. Тихановская, И.В. Дергачева, Ф.Х. Хикматов, Х.А. Тойчиев, Г.Г. Харитоновна, В.Е. Чуб, Э.Р. Семакова, С. Huggel, Т. Saks, О. Tutubalina, Т.Ю. Сабитов ва бошқалар чоп этган мақолаларда ўрганиб чиқилган ва диссертация мавзуси бўйича тегишли амалий хулосалар чиқарилган.

Бу бобда Тошкент шаҳридаги ҳаво ҳарорати аномалияларининг исиш тезлиги ва глобал ҳаво ҳарорати 1890 ва 2020 йиллар доирасида графиги таҳлил қилинган. Аниқланишича, Тошкентда аномал ҳаво ҳароратининг

тезлиги жаҳон миқёсидаги кўрсаткичдан икки баравар юқори, бу эса табиий муҳит ўзгариши динамикасига катта таъсир кўрсатади. Музлик сув оқими ва унинг Писком дарёси ҳавзасидаги дарёлар режимига таъсири, Ўрта Осиёда ва кузатиш ҳавзасидаги музликларнинг майдони қисқариши мисолида таҳлили 1-жадвалда кўрсатилган.

Ишда тоғ иқлимининг хусусиятлари, баландлик фарқлари, ёнбағирлар нишаблигининг, экспозицияси ўзгариши ўрганилиб, иқлим ўзгариши билан боғлиқ трендлари тадқиқ этилди.

Тадқиқот давомида сув ҳавзасининг гидрологик ташкил этувчилари билан боғлиқ ўзгаришлар кўриб чиқилди, бу кўрсаткичлар сув ресурсларини бошқариш моделини тузишда муҳим аҳамиятга эга. Дарёларда қор ва музлик оқими мавжуд, аммо уларнинг улуши иқлим хусусиятларига қараб ўзгаради. Иқлим ўзгариши билан музлик майдони ҳам камаяди, ва дарёларнинг сув йиғиндисидagi музлик улушининг ўзгаришига таъсир қилади.



1-расм. Писком дарёсининг сув ҳавзалари тармоғи ва дарёнинг учта асосий ирмоғининг ҳавзалари: (А) 12.5 метрли рақамли баландлик моделдан олинган дарё тармоғи ва сувайирғич чегаралари; (Б) нишаблик ва экспозиция картаси.

1-жадвал

Писком дарёсидаги музликларнинг жами майдони қисқариши (F_{μ})

Йиллар	F_{μ} , км ²
1960	127,8

1970	219,8
2007	168,7
2010	93,6

Шу билан биргаликда ишда дарёлар оқим режимининг ландшафтлар турига боғлиқлиги ўрганилган, ландшафтнинг ўзида содир бўладиган ўзгаришларга қараб музлик майдонининг ўзгариши ва сув оқими ўртасидаги миқдорий боғлиқлик кўрсатилган. Музликлар майдонининг қисқаришга учраши, Писком дарёси ҳавзаси муҳитига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди. Хусусан, мореналарнинг майдони кенгайишига ва сув оқимининг йиллик тақсимланиши, кўлларнинг пайдо бўлишига ва сел жараёнларининг намоён бўлишига, музлик ландшафтларининг ўзгаришларига олиб келади. Диссертация ишида нафақат тоғ, балки тоғ этагидаги ландшафтларнинг ўзгариш жараёни ҳам ўрганилган. Чорвачиликнинг ривожланиши, аҳоли сонининг кўпайиши ва ҳавза худудидан рекреацион мақсадларда фойдаланиш тезлигини ортиши юз бераётган ўзгаришларда намоён бўлади. Бундай ҳодисаларга мослашиш учун диссертация иши ҳавзада юз бераётган ўзгаришларни, хусусан, ернинг музлаш эҳтимоли ва суғорилмайдиган (лалми) деҳқончилик майдонларининг кўпайишини янада кенгроқ кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Иккинчи боб «Писком дарёси ҳавзаси атроф-мухит компонентларини камерал ва дала тадқиқотлари натижаларининг тавсифи»деб номланган бўлиб, у Писком дарёси ҳавзасидаги иқлим хусусиятлари ва музлик жараёнларини ўрганиш усулларини таҳлил қилишга бағишланган.

Диссертацияда Писком дарёсининг юқори қисмидаги Барқроқ музлигида ўтказилган дала тадқиқотлари ва масофадан зондлаш натижасида (Landsat ва MODIS сунъий йўлдош маълумотлари) олинган маълумотлари (ҳаво ҳарорати ва ёғингарчилик, музлик майдони, дарё оқими), шунингдек «Ўзгидромет» ва Гидрометеорология илмий тадқиқот институти материаллари ва мавжуд маълумотларнинг таҳлили ўтказилди ва натижалар хулосаларда акс этди. Айниқса, баланд тоғли кўллар тўғони ўпирилиши ва сел хавфига олиб келадиган омилларга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу ишда масофадан зондлаш материаллари (2-расм) ва музликларини далада кузатиш натижалари музликлар майдонларининг камайишини аниқлашга имкон берди. Натижалар аввалги ишларга тўғри келади, хусусан, 60 йил мобайнида Писком ҳавзасидаги музликлар 28 фоизга қисқарган, лекин ҳозиргача сув оқими сезиларли даражада камаймаганлиги, бу эса ёзда ўртача ойлик ҳароратнинг ортиши билан боғлиқлиги баён этилган.



2-расм. Барқрок музлигини масофадан зондлаш усли билан чегарасини белгилаш ва ўрганиб чиқиш.

Диссертацияда дарёларнинг сув ҳавзасидаги кунлик ўртача гидрологик кўрсаткичларини ўрганишга алоҳида эътибор берилган, асосий ирмоқларнинг статистик тавсифлари тўпланган. Оқим модулидаги фарқ Ойгаинг ва Майдонтол дарёлари ҳавзалари ўртасида ўрнатилди, энг катта фарқ музликларнинг қалинлиги ва майдони бўйича, бу сув ҳавзалари бири-бирига яқин бўлса-да, Майдонтол дарёсидаги оқим модули Ойгаинг дарёсига нисбатан 40% кўпроқлиги кўрсатилган.

Писком дарёси ҳавзасидаги ландшафтлар юза қисмисининг ўзгариши, лалми деҳқончилик баландлигининг силжишига олиб келадиган музликколди худудлар майдонларининг кенгайиши кўрсатилган.

Учинчи бобда «Писком дарёси ҳавзаси иқлимий хусусиятлари ўзгаришининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш»деб номланиб, унда асосий иқлимий хусусиятларнинг ўзгариши, атмосфера ёғинлари ва ўртача йиллик ҳаво ҳарорати ўрганилди. Моделлар кўллар тўғонлари ўпирилиши ва сел тошқинларини олиб келиши хавфини баҳолаш ва кластерлар орасидаги нисбий масофани топиш, шунингдек, ҳавзадаги ўсимликлар зичлигининг ўзгаришини масофадан зондлаш маълумотлари ёрдамида статистик таҳлил қилиш учун таклиф қилинган. Охириги 10 йил давомида барча метеорологик станцияларда ҳаво ҳарорати ўсишининг ижобий тенденциялари қайд этилди. Ойгаинг дарёси ҳавзасида ҳаво ҳарорати ҳар 10 йилда, ўртача ҳар 10 йил, аввалгиларидан 10% иссиқроқ бўлиши аниқланди. Ҳаво ҳароратининг йиллик тақсимланиши барча ўрганилган метеорологик станциялар учун баҳорги ҳаво ҳарорати ошганлигини кўрсатди.

Диссертацияда биринчи марта аналогия ва дала тадқиқот усулларида аниқланган статистик тақсимотнинг график-аналитик таҳлили ёрдамида ёғингарчиликни тиклаш усули қўлланилди. Ишда, Ойгаинг метеорологик станциясида ва Барқроқ музликларида жойлашган метеорологик станциядаги ёғингарчиликлар ҳақида маълумот ёритилган. Ёғингарчилик ҳақидаги қайта тикланган маълумотлар қор оқимини ҳисоблашга имкон берди, бу эса музликлар мувозанатини баҳолашга ёрдам беради.

Бу бобда тоғ қўлларининг сел хавфини баҳолаш усуллари келтирилган, уларни таснифлаш мезонлари: бир-бирига нисбатан масофа, музликларга нисбатан масофа, тўғон деворларининг қўл сатҳидан баландлиги нисбати, тўғоннинг узунлиги ва кенглиги, шунингдек, ҳар қандай ҳодисанинг қўлга таъсир қилиш эҳтимоли ҳам кўриб чиқилган.


Бу бобда алоҳида бу қўлларнинг бир-бирига нисбатан жойлашуви бўйича гуруҳланиши ўрганилиб, бошқа қўлга нисбатан қўл аниқлаш эҳтимоли, уларнинг тарқалиш эҳтимоли билан боғлиқ бўлган ва маълум бир тамойилга амал қиладиган ўртача масофани топишнинг усули тақдим этилган.

Диссертацияда Писком дарёси ҳавзаси ёнбағирлари бўйича ўсимликларнинг зичлигини баҳолаш, NDVI индекси ўзгарувчанлигининг (ўсимликлар индекси) баландлик ва экспозицияси бўйича тарқалишининг статистик аҳамиятини аниқлашда масофадан зондлаш ва ГАТ технологиялари қўлланилган.

Диссертациянинг **тўртинчи боби «Писком дарёси ҳавзасининг юқори оқимидаги атроф-муҳитга таъсир этувчи иқлим омилларини масофадан зондлаш усуллари ва ГАТ технологиялари ёрдамида баҳолаш»**деб номланган. Унда Писком, Тошкент ва Ойгаинг метеорологик станциялари ўртасидаги узоқ муддатли ҳаво ҳарорати алоқалари кўрсатилган. Атмосфера ёғинлари учун Писком ва Ойгаинг метеорологик станциялари орасида ҳеч қандай корреляция йўқлиги, шунингдек, ёғингарчилик учун баландлик градиенти боғлиқ эмаслиги аниқланди. Баландлик бўйича ёғингарчилик ортиши ўрнига, камайиши кузатилади. Ёғингарчиликнинг бундай тақсимланиши ҳавзанинг мураккаб тузилиши, яъни Майдонтол ва Ойгаинг дарёлари қўшилишидаги водийнинг торайиши билан изоҳланади, бу жойда баландликлар фарқи 2 км ташкил этади.


Қайта тикланган ёғингарчилик қийматлари ва энергия баланси усули Барқроқ музлигидан 2016–2019 йиллар учун ўртача эриган қор оқимини симуляция қилиш учун ишлатилган (3-расм). Аниқланишича, ҳар бир ижобий ҳаво ҳарорати даражаси учун 0,48 мм га тенг қор қоплами эриши туфайли содир бўладиган оқим кутилмоқда.

Қор сувлари оқимини моделлаштириш




3-расм. Барқроқ музликларининг ўртача йиллик ёғингарчилик миқдори (мм) ва симуляция қилинган қор эриши қийматлари (мм)

Масофадан зондлаш ва ГАТ бўйича олиб борилган ишлар натижасида, шунингдек, кўллар оқими хавфи ва сел хавфига эҳтимolini баҳолаш модели, бу кўлларнинг тарқалиши, тўғон ўпирилиши ва сел хавфи бўйича тақсимланиши картаси тузилди (4-расм). Писком дарёси хавзасида ҳар хил хавф мезонларига эга 80 та кўл аниқланди. Хавфни баҳолашда 80 та кўлдан 16 таси юқори сел хавфли, 45 та ўртача хавфли ва 19 таси паст хавфли деб баҳоланди (3-расм).



4-расм. Писком дарёси хавзаси учун сел содир бўлиши хавфи бўлган кўлларнинг жойлашиши ва таснифи


Ҳавзанинг 300 км² майдонга эга ҳудудда ўзгаришлар рўй берганлиги аниқланди, бу ҳозирги вақтда лалми деҳқончиликни янги ҳудудларда ривожлантиришга имкон беради (5-расм).



5-расм. Янги лалми ҳудудлар майдонлари қора рангда белгиланган

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳаво ҳарорати ортиши билан совуқ кунлар камаяди, бу эса ўз навбатида тупроқларга таъсир қилади. Картага (5-расм) эътибор қаратадиган бўлсак, ўзгаришларнинг катта майдон Ойгаинг платосига яқин жойлашган, шунинг учун бу ҳудудда ўсимликларнинг ўзгаришини кутиш керак.

Охиргиси, ўсимликларнинг зичлиги ўзгаришини статистик таҳлил қилиш натижалари кўрсатилди (6-расм).



6-расм. NDVI қийматларининг ўзгариш картаси, $p < 0,05$ ўзгаришларнинг статистик аҳамиятини билдиради

Ландшафтлар таҳлили майдон юзасида юз бераётган ўзгаришларни статистик усуллар, ГАТ ва масофадан зондлаш ёрдамида баҳолашга имкон берди. Ўсимликлар индекси зичлиги камайган жойлар аниқланди ва бу жойларнинг топографик хусусиятлари кўрсатилди. Ўсимликларнинг зичлиги 116 км² майдонда пасайганлиги аниқланган.

Бу усул, ўсимликлар зичлиги тенденцияларининг ўзгаришини аниқлаш урили бўлиб, бу эса ўз навбатида регрессияни қиялигида акс этиб тенденцияни кўрсатади. Ишнинг асосий натижаларидан бири статистик таҳлил натижаларини ўрганишда антропоген таъсирни табиий ўзгаришлардан ажратиб бериш усулини берди. Асосий ўзгаришлар 2,5 км ва ундан юқори баландликларда содир бўлган. Энг катта ўсимликлар зичлиги камайган майдонлар шарқ, жануби-шарқ, жануб ва жануби-ғарб экспозицияларига тўғри келади. Ўсимликлар зичлиги камайган қияликнинг таҳлили ўртача тик ва тик ёнбағирлардаги асосий йўқотишларни кўрсатади.

ХУЛОСА

Писком дарёси ҳавзасидаги иқлимий ва гидрологик шароитларни ҳамда уларнинг музланиш майдонининг таъсири, музлик қўллари ва музликколди зонанинг ландшафтлари шаклланиши, хавфли табиий географик жараёнларнинг вужудга келишини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Писком дарёсининг юқори қисмидаги Барқроқ музлигида олиб борилган дала тадқиқот материаллари ва масофадан зондлаш (Landsat ва MODIS) тасвирларини дешифровка қилиш натижасида музликлар майдонининг қисқариб бориётганлиги ва музликларнинг тарқалиш чегараси баландлигининг кўтарилиб бораётганлиги аниқланган.

2. Ҳаво ҳарорати ва ёғинларнинг трендлари аниқланган ва худуднинг орографиясига боғлиқ ҳолда уларнинг ўзаро таъсири таҳлил қилинган. Ойгаинг метеорологик станцияси маълумотларига асосланиб, Барқроқ музлигидаги автоматик метеорологик станциясида олинган ёғинлар статистик усулида Ойгаинг метеорологик станцияси маълумотларига асосланиб қайта тикланган. Барқроқ музлиги сиртидаги тикланган ёғингарчиликнинг миқдори тўғрисидаги маълумот, музлик сувларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратган.

3. Писком дарёси ҳавзасида илк марта ёғингарчиликнинг реконструкция қилинган қийматларидан фойдаланиб, Барқроқ музлигининг 2016 - 2019 йилларга тегишли энергия баланси асосида, эриган қорлар оқими моделлаштирилди. Ҳар бир мисбат ҳаво ҳарорати даражаси учун мавжуд бўлган қопламидан 0,48 мм га тенг қор эриши аниқланган. Ушбу кўрсаткич келгусида Писком ҳавзаси сувларининг гидрологик тақсимланишида иштирок этаётган омиллардан бири – қор қопламанинг ҳосил бўладиган сув миқдорини аниқлаш ва сувдан янада самарали фойдаланишни таъминлайди.

4. Масофавий зондлаш маълумотларини дешифровка қилиш ва ГАТ дан фойдаланиш натижасида тоғ қўллариининг жойлашуви картаси тузилган

ва бу кўлларнинг тўғони ўпирилиб, сел оқими ҳосил қилишининг эҳтимоли баҳоланган. Бу маълумотлар кўлларнинг маълум ҳудудда тўпланишини ўрганиш ва уларнинг узаро нисбий жойлашуви қонуниятларини аниқлаш имконини берган. Аниқланишча кўлларнинг бир-бирига, 30 км радиусда бир-бирига ўзаро яқин жойлашиш анча юқори. Кўллар тўғонининг бузилиши ва оқибатда келиб чиқадиган сел хавфини баҳолаш мезони ишлаб чиқилган: кўллар ва тўғонларнинг тури, кўл сатҳига нисбатан қирғоқ бўйи баландлигининг ортиши, тўғоннинг геометрияси, кўлларнинг сув режими бўйича ўзаро боғлиқлиги ва тўғоннинг дренаж тури ҳисобланади. Писком дарёси ҳавзасида турли хил хавф мезонларига эга бўлган 80 та кўл аниқланган. Хавфларни баҳолашда 80 та кўлдан 16 таси юқори эҳтимолда сел шаклланиш хавфи, 45 та ўртача ва 19 та паст хавфли кўллар эканлиги аниқланган. Шу жумладан, аниқланган кўллар картаси келажакда улардан тўпланган сувдан самарали фойдаланиш, кутилаётган хавфларни бартараф этиш, улардан рекреация ва экотуризмни ривожлантиришда илмий асосланган манба бўлиб хизмат қилади.

5. Тоғли ҳудудларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири, аҳоли пунктларидан юқорида жойлашган ерларнинг қишлоқ хўжалигида фойдalanиши мумкин бўлган ерлари ҳисобланади. Бу ерларда илгари ҳарорат паст бўлгани туфайли экинларни етиштириш чекланган, энди эса бу ерлар деҳқончилик мақсадида ўзлаштирилмоқда. Баҳорги ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, вегетация даврининг эрта бошланишига олиб келади, чунки тупроқда баҳорги совуқлар эҳтимоли камаяди. Натижада, ландшафт ўзгаради ва вегетация даври ошади. Баҳорда 2000 м дан юқори баландликда тупроқ юза қатламида қора совуқ эҳтимоли, айниқса, жануби-ғарбий ёнбағирларда сезиларли даражада камайдди, бу эса кўриб чиқиляётган ҳудудда ҳам вегетация даври давомийлигининг ортиши учун янада қулай шароит яратади. Лалми қишлоқ хўжалигининг юқори чегараси Писком ҳавзасида ҳозирги кунда денгиз сатҳидан 1900 дан 2100 метр баландликка кўтарилди. Бундай ерларнинг тадқиқот объектида тақсимланиши картада акс эттирилиб, ундан келажакда ер ресурсларидан деҳқончиликда фойдали самарадорлигини ошириш имконлиги аниқланган.

6. Писком дарёси ҳавзаси табиатининг ўзгариши 30 метр аниқликдаги Landsat сунъий йўлдош тасвирлари ёрдамида сўнгги 30 йил учун аниқланди. Бунда аввалги тасвирлар маълумотлари, замонавий материаллар маълумотлари билан таққослаш учун ўзаро мослаштирилган. Трендларнинг мавсумийлигини таҳлил қилиш мақсадида стастика усуллари, Ман-Кендалл тест функцияси қўлланилган. Ҳавзадаги ўсимликлар зичлиги камайиши ёки кўпайиши кузатилётган жойлари аниқланди. Аниқланишича, 1993 йилдан 2017 йилгача 116 км² майдонидаги ҳудудда ўсимликлар зичлиги сезиларли пасайган. Натижада, Писком дарёси ҳавзасидаги ўсимликлар зичлигининг камайиши картаси тузилган. Ўсимликлар зичлиги индекси камайган жойлар аниқланди ва уларнинг орографик хусусиятлари

кўрсатилган. Шу майдонлар картаси иқлимий ва антропоген омилларни ўрганётган тадқиқот ишлари учун янги имкониятларни очиб беради.

7. Умуман олганда, иқлим ўзгариши Писком дарё ҳавзаси ҳудудида содир бўладиган жараёнларга, жумладан музликлар майдонининг қисқаришига, дарё гидрологик режимнинг ўзгаришига, ўсимлик ва ландшафтларнинг ўзгаришига, кўллар шаклланишига, кўллар оқими хавфи ва сел хавфи эҳтимолига бевосита таъсир кўрсатади. Ушбу ўзгаришлар, ўз навбатида, инсон хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатиб, табиатдан фойдаланишдаги анъанавий усулларни ўзгартиришга, иқлим ўзгаришларига ва табиатдаги ўзгаришларга мослашиш учун кўплаб илмий тадқиқотларни олиб боришни тақазо этади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

САБИТОВ ТИМУР ЮРЬЕВИЧ

**МОДЕЛИРОВАНИЕ ВОЗДЕЙСТВИЯ КЛИМАТИЧЕСКИХ
ФАКТОРОВ НА СОСТОЯНИЕ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ БАСЕЙНА
РЕКИ ПСКЕМ**

**11.00.05 - Охрана окружающей среды и рациональное использование
природных ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.2.PhD/Gr163.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский - резюме) размещен на веб-сайте Научного совета (www.nauka.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Петров Максим Анатольевич кандидат геолого-минералогических наук, старший научный сотрудник
Официальные оппоненты:	Аденбаев Бахтияр Ембергенович доктор географических наук, доцент Назаров Абдугаффор Абдужаббарович кандидат географических наук, доцент
Ведущая организация:	Институт сейсмологии АН РУз

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 г. в ___ часов на заседании разового Научного совета при Научном совете DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.:(+99871) 227-12-24; факс: (+99871)246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru, Национальный университет Узбекистана, факультет Географии и природных ресурсов).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (регистрационный № ___). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4 д., Тел. (+99871) 246-67-71, Национальный университет Узбекистана.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.

(реестр протокола рассылки №___от«___»_____ 2021 года).

Ф.Х. Хикматов

Председатель разового Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.г.н., профессор

Ш.М.Шарипов

Ученый секретарь разового Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.г.н., доцент

З.Н.Тожиева

Председатель разового Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Изменение климата в глобальном масштабе вызывает различные экологические, экономические и социальные проблемы для человечества. Цель № 13, изложенная в Повестке дня Организации Объединенных Наций в области устойчивого развития на период до 2030 года, направлена на решение проблем, связанных с «принятием неотложных мер по борьбе с изменением климата и его последствиями»¹. Эти задачи требуют разработки мер по адаптации к изменению климата в различных сферах жизнедеятельности человека.

Исследования в этой области являются приоритетными в мире, особенно в удовлетворении потребностей нынешнего поколения и разработке мер по обеспечению экологически чистого и устойчивого развития, адаптации к изменениям в природе, адаптации сокращениям запасов пресной воды и предотвращения загрязнения с учетом интересов будущих поколений. Особое внимание уделяется изучению вопросов сокращения оледенения в аридных регионах мира из-за глобального потепления, а также сокращению запасов пресной воды, предотвращению увеличения количества опасных геологических процессов, а также по определению мер адаптации к изменениям в горных и предгорных средах.

В нашей республике осуществляется ряд реформ, направленных на смягчение последствий изменения климата, снижению риска стихийных бедствий, рациональному использованию ледниковых ресурсов как важнейшего источника и долгосрочных запасов пресной воды, и уже достигаются определенные результаты. «Концепция охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года» ставит важные задачи по «научному обеспечению охраны окружающей среды» и «комплексному экологическому мониторингу ...»². В связи с этим проводятся научные исследования, направленные на мониторинг и моделирование воздействия изменения климата на ледники и окружающую среду в бассейне реки Писком, где расположены важные рекреационные и туристические объекты страны, а также исследуется вероятность возникновения опасных природно-географических процессов с использованием гео-информационных систем (ГИС).

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит для выполнения задач, предусмотренных в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 3 июня 2021 года № ПК-343 «О дальнейшем совершенствовании системы оценки загрязнения окружающей среды», Указах Президента Республики Узбекистан № ПП-5863 от 30

¹Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/climate-change/>

²Постановление Президента республики Узбекистан «Об утверждении стратегии по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019 — 2030 годов». от 4 октября 2019 года № ПП-4477.

октября 2019 года «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан на период до 2030 года» и № ПП-4477 от 4 октября 2019, и в других нормативно-правовых документах, принятой в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды», VIII «Науки о Земле».

Степень изученности проблемы. Воздействие климатических и антропогенных факторов на окружающую среду в высокогорных районах Западного Тянь-Шаня, в частности на изменение ландшафта и водности рек рассмотрены в многочисленных исследованиях ученых стран СНГ, таких как И.В. Мушкетов, С.В. Калесник, Н.Л. Корженевский, Л.Н. Бабушкин, Н.А. Когай, К.К. Марков, Б.К. Баков, А.П. Мельникова, В.Л. Шульц и др. Эти исследователи проводили геологические-геоморфологические, гидрологические, ландшафтные и гляциологические исследования, что явилось базой формирования и развития научных дисциплин – таких как гляциология, гидрология, ландшафтоведение.

Опубликованы монографии «Ледники, их роль и значение в жизни Земли» (1935) и «Горные ледниковые районы СССР» (1937). С.В. Калесник опубликовал монографию «Общая гляциология», Н.Л. Корженевский «Каталог ледников Средней Азии», В.Л. Шульц «Реки Средней Азии», Л.Н. Бабушкин, Н.А. Когай «Физическая география Средней Азии», Л.Н. Бабушкин «Климатография Средней Азии» и др.

В настоящее время, изучению изменения климатических факторов и деградации ледников, формированию водных ресурсов и гидрологического режима в Узбекистане, посвящены работы М.И. Геткера, В.Е. Чуба, А.С. Щетинников, Г.Е. Глазырина, Н.А. Агальцевой, Н.С. Бассина, А.А. Ни, М.А. Петрова, М.В. Волкова, И.Г. Томашевской, А.А. Тихановской, И.В. Дергачевой, Б.Ф. Хикматова, Ф.Х. Хикматова, Х.А. Тойчиева, А.А. Крейтера, Э.Р. Семаковой, Д.Г. Семакова, Х.А. Мамироваи др.

Так же исследованиям изменения климатических характеристик в Средней Азии и их влияния на состояние окружающей среды посвящены работы специалистов ближнего и дальнего зарубежья: В.М. Котляков, И.В. Северский, В.Г. Коновалов, В.И. Шатравин и др.

